Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 22-yanvar, payshanba, № 11 (3516)

Ўтган йил якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, биринчи навбатда, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантириш борасида барқарор юқори ўсиш суръатларига эришганимизни таъкидлаш жоиз.

**Ислом КАРИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ:*

**Фарманов Александр Касимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори

**Санакулов Кувандик** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

**Тян Валерий Николаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

**Салихов Шавкат Исмаилович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

**Усманов Мираброр Зуфарович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси

**Сафоев Содиқ Солихович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

**Рахманкулов Мир-Акбар Ходжи-Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари

**Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси

**Артикова Светлана Баймирзаевна** — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

**Камилов Халиджан Махамаджанович** — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори

**Зуфаров Махамаджан Заирович** — «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси

**Аллиярова Айсанем Жолдасбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

**Йўлдошев Нигматилла Тўлқинович** — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

**Раматов Ачилбай Жуманиязович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Алимова Гавхар Зайировна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 январ

▽Ифтихор

***Тўқсондан ошганида ҳам қадди эгилмаган бобомдан биз набираларга кўп хазина қолди. У киши бизга йўл солишнинг, кўприк қуришнинг қанчалик савоб эканлигини уқтирарди. Ўзи намуна бўлиб, кичкина ариқларга ҳам кўприкчалар қуриб қўярди. "Юкли-юксиз, қари-ю ёшнинг ўтиши бор бу ердан. Қийналишмасин", дея изоҳ берарди бу ҳаракатига. Яна одамлар юрадиган йўлдан ортиқча нарсаларни олиб ташлаш инсонни улуғлайдиган ҳокисорликдир, дея қулоғимизга қуяр, "Банданинг йўлини очсанг, Яратган сенинг қулфи дилингни очади", деган ҳикматни кўп такрорларди.***





## ЙЎЛЛАР ДИЛЛАРНИ БОҒЛАЙДИ

Яқинда таҳририятимиз йиғилиши сабаб Тошкентга йўл олдим. Бора-боргунча Попнинг адирлари бўйлаб ёйилган темир излардан кўз узолмадим. Ахир, яқиндагина бу жойларда тайёргарлик ишлари кетаётган эди. Бугун бўлса темир излар мустақил Ватанимизнинг офтобюз инсонлари каби қўлни-қўлга бериб, дилларни-дилларга боғлашга шайланган. Темирйўл атрофида эса инфратузилмалар аллақачон шаклланиб улгурибди. Станция-ю юк тушириш марказларининг ўзгача кўриниш ва қулайликда барпо этилганини эътироф этмай иложимиз йўқ. Янги жой номи ҳам ҳаётнинг ўзи инъом этгандек: Темирйўлобод.

Айни ҳақиқат: водийдан бир марта бўлсин пойтахтга борган одам ҳам яхши эсласа керак, тоғ ён бағридаги Хонободдан чиқар-чиқмас, ахлатхонага айланаёзган тошлоқ жарлик бўларди. Бугун унинг ўрнида темир изни елкасига ортган муҳташам кўприк қад ростлабди. Кечагина жазирамада қақраб ётган ерларда эса мўъжаз шаҳарчалар чиройини кўз-кўз этишга киришибди.

Тоғ бағрида дам кўриниб, дам кўздан узоқлашаётган темир изларга боқиб, водий вилоятларининг иқтисодиётини юксалтиришга ҳисса қўшувчи, довон ортидаги одамларнинг ҳаётига улкан ўзгариш олиб келувчи бу йўл ҳақида узоқ ўй суриб кетдим. Пойтахт сари йўл олаётган одамда энди "Довонда нима гап экан?" дея хавотирланишга асос бўлмайди. Иш учун, ўқиш учун сафарга отланган ёхуд Ўзбекистон марвариди бўлмиш водий сари йўл олган киши йўл қийинчиликларини сезиб улгурмай манзилига етиб келади.

Бугунги тезкор замонда йўл ҳам оби ҳаётдек аҳамиятга эга бўлиб қолди. Темир йўл қурилиши ҳақидаги янгиликданоқ одамларнинг қувончдан боши кўкка етганлигининг сабабини тушунгандек бўлдим. Кўзимга олтиндек ярақлаб кўринган темир изларга ҳайратимни сезибми, ҳайдовчи ҳам уловни оҳисталик билан йўл четидан ҳайдай бошлади. "Зўр қуриб қўйишди-а? Давлатимиз бой-да, йўқса, шундай улкан иш осонлик билан битармиди?" дейди у ҳам ҳавас билан.

Дарҳақиқат, бу йўл орзулар йўли, яхшиликка талпинган кўнгиллар йўли. Метин тошларни-да ўз мақсадлари олдида эга олган матонат йўлидир. Бу янглиғ муждани водийликлар ўзгача қувонч билан қарши олишгани бежиз эмас. Минглаб ёшлар айни эзгулик риштаси сабаб ишли бўлишади. Қишлоқлар шаҳардек чирой очади, атрофчекка боғу роғга айланади. Бунинг учун давлатимиз томонидан етарли маблағ йўналтирилмоқда.



Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида эътироф этганидек, "Ўтган йили темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Бу маблағнинг ярмидан кўпи Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди".

Давлат раҳбари бош бўлиб турган бу ишда айрича барака бор. Тезгина фурсатларда 124,1 километрлик Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиб, умид қилинганидек янгича ҳаёт, янги интилиш ва ташаббуслар дунёга келаверади.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**"Ishonch" мухбири.**
**Рустамжон ЭШОНОВ олган суратлар**

▽Муносабат

***Президентимиз Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси касаба уюшма фаоллари томонидан ҳам катта қизиқиш билан ўрганилиб, унда акс этган устувор вазифалар ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришда катта имконият яратишини таъкидлашмоқда.***

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Ў.МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси:**

— Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида халқимиз фаровонлиги ошиб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда. Яна бир муҳим жиҳат, яратилаётган қатор солиқ имтиёзлари туфайли аҳолининг турли қатламлари ижтимоий қўллаб-қувватланаётир. Кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш имконияти яратилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табриги ҳамда куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатда юксалаётгани туфайли оламшумул ўзгариш ва янгиланишлар рўй бераётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётгани, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарнинг барпо этилаётгани, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бораётгани таъкидланди. Муҳими, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганига урғу берилди. Бундан, албатта, ҳар биримизнинг қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлади.

Табрикдаги қуйидаги жумлалар солиқ соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ва натижада кўзланган муваффақиятларни тўлақонли изоҳлаб турибди: "Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона ижтимоий тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик, аввалambор, бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

●○●● ▶ 2

## ҚУЁШ БАТАРЕЯЛИ СВЕТОФОРЛАР

***Наманганда светофорларга муқобил энергия манбаи — қуёш батареяли панеллар ўрнатиш амалга оширилмоқда.***

Президентимиз раҳнамолигида қайта тикланадиган, арзон, иқтисодий жиҳатдан тежамкор ва экологияга салбий таъсир қилмайдиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қуёш нури ёрдамида ҳосил қилинадиган электр қувватидан фойдаланиш технологиялари жорий этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Наманганда йўл ҳаракатини бошқаришнинг асосий воситаси бўлган светофорларни муқобил энергия манбаи билан таъминлаш борасидаги лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши ҳам мазкур изланишлар самарасидир.

Қуёш батареяли панелларнинг дастлабкиси вилоят марказининг Навоий ва Бобур шоҳкўчалари кесишган чорраҳалардаги светофорларга ўрнатилди.

— Қуёш батареяли панеллар синовдан муваффақиятли ўтмоқда, — дейди вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ихтисослаштирилган фойдаланиш бўлими бош муҳандиси Акмалжон Сулаймонов. — Бундай қурилмалар шаҳарнинг асосий йўналишларидаги элликдан зиёд чорраҳанинг барчасига ўрнатилади. Бу светофорларнинг барқарор ишлаши ва электр энергияси тежамкорлигида сезиларли натижа беради.

**А.САТТОРОВ, ЎзА мухбири**

▽Бунёдкорлик

***Бухорода замонавий шифо масканлари сони кўпайиб, тиббиёт ходимлари ва даволанувчилар учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.***

## ЗАМОНАВИЙ ШИФО ИНШООТЛАРИ

Жумладан, Жондор туманида лойиҳа қиймати 4 млрд. 323 млн. сўмдан ортиқ бўлган 85 ўринли туғруқ мажмуаси ва капитал таъмирланган поликлиника биноси фойдаланишга топширилди.

Айтиш жоизки, Соғлом бола йилида Вобкент туман марказий поликлиникаси, Олотда 60 ўринли даволаш, шунингдек, қабул ва диагностика бўлимларини ўз ичига олган мажмуа бинолари ҳам фойдаланишга топширилди. Вилоят онкология шифохонаси, болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва бошқа қатор даволаш муассасаларида Инвестиция дастури доирасида реконструкция ҳамда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Кексаларни эъзозлаш йилида вилоятдаги 11 та тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини замон талабларига мос даражада шакллантириш режалаштирилган.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

▽Фарзандлари соғлом юрт

***Келажак авлод тарбиясига, уларнинг спорт билан шуғулланишига қаратилаётган эътибор, ғамхўрлик туфайли чекка туманлардан бири бўлган Қўшкўпирда ҳам йилдан-йилга спортчилар сафи кенгайиб, кўплаб чемпионлар етишиб чиқмоқда.***

## ВАТАН ДИЛБАНДЛАРИ

Ўтган асрнинг 80-йилларида Қўшкўпир туманида биттагина болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бор эди. Унда 200 нафар ўқувчи спортнинг атиги уч тури — енгил атлетика, волейбол, футбол билан шуғулланарди. Асбоб-анжомлар етарли бўлмагани учун болалар навбатма-навбат машқ қилишар, баъзан кузатувчи сифатида келиб-кетишга мажбур бўлишарди.

— 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 598 нафар бола спортнинг 11 тури бўйича шуғулланмоқда. Бўлғуси чемпионлар орасида қизлар ҳам талайгина, — дейди директор Исмоил Содиқов.

Спорт мактаби замон талаблари асосида қайта таъмирланиб, янги спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бунинг учун 1 миллиард 625 млн. сўм сарфланди. Кўримсиз хоналар кўркам спорт залларига айлантирилди, машғулот олиб бориладиган ҳар бир хона зарур буюмлар, спорт анжомлари билан тўлғазилди. Ушбу шароитлар ўқувчилар руҳиятини ўзгартириб юборди. Келажакка бўлган умид ва ишончни мустаҳкамлади, иштиёқни кучайтирди. Қолаверса, ўз ишининг устаси бўлган мураббийлар ишга таклиф қилинди.

Спорт билан шуғулланувчилар сафи янада кенгайди. Ўқувчилар нафақат вилоят, республика, балки халқаро мусобақаларда ҳам иштирок эта бошладилар.

— Шогирдим Саида Олимовани омадли ёшлардан деб биламан, — дейди мураббий Валерий Зебров. — Мунтазам равишда волейбол билан шуғулланиши ўз самарасини берди. Натижада, республика терма жамоасига қабул қилинди. Осиё мақёсидаги мусобақаларда совриндор бўлди. 2013 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтига имтиёзли равишда тест синовларисиз қабул қилинди.

●●○● ▶ 3

2015-yil 22-yanvar, payshanba, № 11 (3516), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ — УСТУВОР ВАЗИФА

***(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).***

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин".

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан муайян ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", 2014 йил 11 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлари, Президентимизнинг 2014 йил 9 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай имкониятлар яратиш каби аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ушбу вазифалар ижроси эса, шубҳасиз, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

**М.РАИМОВ,**
**"Фотон" АЖ касаба уюшмаси раиси:**

— Муҳтарам Президентимиз қайд этганидек, 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 7.5 фоизгача пасайтирилиши натижасида иқтисод қилинадиган маблағнинг бир қисми ходимларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилиши алоҳида аҳамиятга эга.

Жамоа шартномаси асосида 2014 йил якунига кўра ходимларнинг ўртача иш ҳақи республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 15 баробарига тенг бўлди. Корхонамиз фахрийлари кенгаши томонидан кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган қатор нуронийларимизни таваллуд кунларида мукофотлар билан рағбатлантириш, ёрдамга муҳтожларни дори-дармон билан таъминлаш, уларга корхона ҳисобидан санаторий йўлланмалари олиб бериш каби ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2015 йилда давлатимиз томонидан солиқ имтиёзлари берилиши юқорида қайд этилган хайрли ишларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Яна бир эътиборли томони, олий ўқув юртларига тўлов шартномаларидан келиб тушган маблағлар солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилиниши ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларида замонавий шароитда таълим олишига кенг имконият яратади.

Босиб ўтган йўлимиз ва қўлга киритилган ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, ўтган йил корхонамиз фаолияти учун самарали кечганидан ғурурланамиз. 2015 йилда яратилган солиқ имтиёзларининг корхонамиз иқтисодиётини ривожлантиришда таъсири катта бўлиши шубҳасиз.

Ҳозирги ҳисоб-китоблар асосида, жорий йилда солиқ имтиёзларидан иқтисод қилинган маблағнинг бир қисмини корхонамизга қарашли "Машъал" болалар оромгоҳини капитал таъмирлашга сарфлаш мўлжалланмоқда.

**Н.РАМАЗОНОВА,**
**"Ўзтемирйўлқурилишмонтаж"**
**УК касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— Жорий йилда амалга киритилган солиқ имтиёзлари "Ўзтемирйўлқурилишмонтаж" унитар корхонаси жамоаси учун ҳам катта имкониятлар яратади. Яъни раҳбарият билан келишилган ҳолда иқтисод қилиниши кутилаётган маблағ "Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши объектида меҳнат қилаётган 703 нафар ходимни ижтимоий-меҳнат соҳасида қўллаб-қувватлаш, яъни уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, рағбатлантириш ва моддий техник базасини ривожлантириш учун сарфланади.

"Ангрен-Поп" электрлаштирилган темир йўл қурилиши сифатини оширишда ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар, замонавий техника воситалари билан таъминланиш асосий омил ҳисобланади. Ушбу масалаларга корхона томонидан йил бошида тузиладиган чора-тадбирлар режасида маблағлар мақсадли равишда ажратилишини инобатга олсак, юқоридаги кутилаётган қўшимча маблағ ишчилар турар жойларини таъмирлаш, компютер воситаларини янгилаш ва таъмирлаш, ишчи-ходимлар ўртасида қўшимча малака оширишни ташкиллаштириш, ёшлар ва аёллар меҳнатида қулайликлар яратиш, касб маҳоратини янада ошириш ва қурилиш ишларида керакли бўлган ўқув-семинарларни ташкил этишга жалб қилинади.

**Тўлқин РЎЗИМУРОДОВ,**
**"Навоийазот" АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси:**

— "Навоийазот" АЖ республикамиздаги кимёвий маҳсулотлар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи энг йирик корхона ҳисобланади. 11 мингдан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилаётган корхонамизда 70 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ҳозирги кунда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 2015-2017 йилларга мўлжалланган 3 та лойиҳа тасдиқланиб, 1400 дан зиёд янги иш ўринлари очилиши кўзда тутилмоқда.

Корхонада бандликни таъминлаш, аҳолини, биринчи навбатда, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами ва кам таъминланган оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш мақсадида жамоа шартномаси имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида эътироф этиб ўтганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб берилиши ва шу каби ишлар меҳнаткашларнинг изланувчанлиги, ғайрат-ташаббуси, меҳнат унумдорлигини юксалтириш, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини изчил ҳимоялаш, тармоқ тизимларидаги корхоналарда иқтисодий ривожланишга замин яратмоқда.

Юридик шахслардан олинаётган фойда солиғи ставкасининг 7,5 фоизга камайтирилиши натижасида "Навоийазот" АЖда иқтисод қилинадиган маблағнинг бир қисмини ходимларни рағбатлантириш учун йўналтириш имконияти яратилади. Ушбу имтиёз корхонада ишловчи ходимлар самарали меҳнатини муносиб рағбатлантиришга хизмат қилади.

Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар корхонамизда ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлиги ошишига сабаб бўлади.

## Ҳудудий бирлашмалар раёсат йиғилишларида

***Пахтакор туманида касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бош келишув, минтақавий ҳамда туман миқёсидаги тармоқ келишувлари асосида барча корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномалари фаолиятга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ёндашувни таъминламоқда.***

# ХОДИМ МАНФААТДОР БЎЛСА...

Жамоа шартномаларига ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрларнинг киритилиши кўпайгани, айниқса, эътиборга лойиқ. Жумладан, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилишига эришилганлиги тушунмовчиликларга барҳам берди.

Ҳозирда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишнинг самарали воситасига айланган бўлиб, биргина ўтган йили жамоа шартномалари орқали ходимларни корхона ва ташкилотлар ҳисобидан соғломлаштириш, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар бериш, иш жойларини шаҳодатлаш каби бандлар амалиётга кенг татбиқ этилди.

Шу билан бирга, тармоқ касаба уюшмаларида жамоа-шартномавий муносабатларни изчил ривожлантириш борасида муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини эътироф этишимизга тўғри келади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, агросаноат мажмуи, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмалари тизимига қарашли "Агробанк" туман филиали, молия бўлими, А. Икромов номли пахта тозалаш корхонаси, Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 2-, 31-умумтаълим мактабларида имзоланган жамоа шартномаларига аёллар ва ёшлар меҳнатига оид, корхона иқтисодий фаолияти, ҳар бир ходимга иш ҳақининг таркибий қисми тўғрисида ёзма маълумот бериб борилиши сингари алоҳида бўлим ва бандлар киритилмаган. Айрим ҳолларда жамоа шартномасига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар касаба уюшма қўмитаси йиғилишида маъқулланган.

Туман йўл хўжалигини таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат корхонаси, 2-умумтаълим мактаби, "Агробанк"нинг туман филиалида жамоа шартномасининг бажарилиши йил якуни бўйича муҳокама қилинмаган ёки ҳужжатларни расмийлаштириш белгиланган тартибга мос эмас.

Тармоқ туман кенгашлари томонидан жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш борасида ҳам жиддий камчилик ва нуқсонлар учрамоқда.

Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини самарали ҳимоялашда тармоқ касаба уюшмаларининг Пахтакор туман бўғинидаги фаолияти вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсат йиғилишида атрофлича муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**"Ishonch" мухбири**

***2015 йил касаба уюшмалари тизимида ҳисобот-сайловлар йили. Бу зиммадаги масъулиятни янада оширади. Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати мажлисида бу хусусда алоҳида тўхталиб ўтилди. Мажлисни бирлашма кенгаши раиси Р. Жабборов олиб борди.***

# МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Таъкидланганидек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнат қонунларига риоя қилиниши устидан назоратни олиб бориш, нодавлат сектори корхоналарида касаба уюшма ташкилотлари тузиш, бошланғич ташкилотларнинг моддий техника базасини яхшилаш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, фаоллар ўқувини ташкил этиш, бошқа давлат, нодавлат ташкилотлари билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш каби ишлар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қатъий назоратида бўлди.

Бирлашма кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Қ.Машарипов "Соғлом бола йили" дастурининг бажарилишига оид, ташкилий ишлар бўлими мудири А. Атажанов нодавлат сектори тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш бўйича 2014 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Йиғилишда, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 2014 йил учун белгиланган иш режасини бажарилиши ва 2015 йил иш режаси, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш каби қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**"Ishonch" мухбири**

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИ





***Тараққиёт ва имкониятлар шаҳрига айланган «Ангрен» махсус индустриал зонасида бугунги кунда маҳаллий ва хорижий сармоялар иштирокида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилаётир.***

«Олмалиқ кон металлургия комбинати» акциядорлик жамияти томонидан таъсис этилган унитар корхона шаклидаги Ангрен қувур заводи шулар жумласидандир. У фаолият бошлаши билан мамлакатимизда илк бор мис қувурлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Айни вақтда 200 нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган заводда йилига 8000 минг тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд бўлиб, уларнинг 85 фоизи экспортга мўлжалланган.

**«Ishonch» фотомухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**

## Меҳнат муҳофазаси

# ХАВФСИЗ ШАРОИТ — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

***Олмалиқ шаҳридаги "Аммафос-Максам" акциядорлик жамиятида "2014 йилда корхонада юз берган бахтсиз ҳодисалар ва уларнинг олдини олишда меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларининг ўрни" ҳамда "Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш ва бу борада жамоат назоратини амалга ошириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.***

*Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича корхона муҳандислари, тармоқ Республика кенгашининг масъул ходимлари иштирок этган тадбирда "Аммафос-Максам" АЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Н. Авдеенко, тармоқ Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси Ю. Раҳимжоновнинг маърузаси тингланди.*

*"Фарғонаазот" ва "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамиятларининг касабақўм раислари тажриба алмашиш юзасидан меҳнат муҳофазаси вакилларининг ишлари ва уларга кўрсатилаётган рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида маълумотлар беришди.*

*Куннинг иккинчи ярмида семинар иштирокчилари "Аммафос-Максам" АЖда бўлиб, корхонада ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароит, меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган намунали ишлар билан танишдилар.*

**Ўз мухбиримиз**

## Жамоа шартномалари ижроси муҳокамада

***Корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатлар жамоа шартномаси орқали тартибга солинади. Шу боисдан ҳам мазкур ҳужжатни қабул қилиш ва унинг ҳар бир бандини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда бажарилишини назоратда тутиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бўлим мудири Рустам Мирхўжаев билан суҳбат мавзуси ана шу ҳақда.***

# АНИҚ ВА АМАЛИЙ

— Корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинадиган жамоа шартномаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини қанчалар ҳимоя қилиши барчамизга аён, — дейди Рустам Мирхўжаев. — Жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш каби бир қатор масалалар ўз аксини топадики, уларни ижобий ҳал этиш, ҳаётга татбиқ этиш нафақат иш берувчи, балки касаба уюшма етакчиси ҳамда қўмита аъзоларига ҳам катта масъулият юклайди.

Тузилаётган жамоа шартномаларида меҳнаткашларнинг иш ҳақига доир масалалар алоҳида ўрин тутмоғи зарур. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида касаба уюшмаларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ўз вақтида тўланиши жамоа шартномасида тўлақонли акс эттирилиши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарорга биноан мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари ишчи-хизматчиларга маошни ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгардирлар.

Айни вақтда тармоғимиздаги 5456 та бошланғич ташкилот ўз атрофига 303364 нафар аъзони бирлаштирган. Кези келганда, Федерация Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Кичик корхоналар учун жамоа шартномаси макети» фаолиятимизда ниҳоятда қўл келаётганини таъкидлашни истардим. Биз ундан ижодий фойдаланиб, бизнес объектлари, тадбиркорлар ва кичик корхоналарга амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз.

***— Жойларда жамоа шартномасининг бажарилишига бағишлаб умумий йиғилишлар ўтказиляпти. Ушбу тадбирнинг қай даражада ўтказилиши меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.***

— Албатта, шундай. Бунда жойларда ўқув-семинарлар ўтказиш режасини ишлаб чиққанлигимиз ўз самарасини беришига ишонамиз. Шунингдек, услубий қўлланмалар, тавсиялар ҳамда намунавий ҳужжатлар ҳам муҳокама чоғида асқотиши турган гап. Шунингдек, ўқув-семинарларнинг ўз вақтида ва тўлақонли ўтказилишини таъминлаш мақсадида жойларга Республика кенгашининг масъул ходимлари бириктирилган.

Ўтган йилнинг ноябр ойида бундай ўқувлар Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида, 4-10 декабр кунларида эса Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларидаги тармоқ тасарруфидаги туман, шаҳар кенгашларида бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўтказилди. Уларда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаларидан мутахассислар фаол қатнашди.

***— Корхона, ташкилот ва муассасаларда, айниқса, тадбиркорлик субъектларида тузилаётган жамоа шартномаларига йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимчалар киритиш қай йўсинда йўлга қўйилган?***

— Жамоа шартномаларида ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясига оид бўлимлар, ходимларга бериладиган имтиёзлар кўламини кенгайтириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш» ва «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилиш» бўйича Конвенциялари ўз аксини топмоқда.

Ходимлар учун корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда экологик тоза иш ўринларини яратиш, меҳнат интизомини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш масалалари бундан кейин ҳам жамоа шартномаларида ўз ифодасини топади.

Мухтасар қилиб айтганда, жамоа шартномаси ҳар бир бошланғич ташкилот учун ҳаракат дастури ҳисобланади. Зеро, режалаштирилган ишлар кўлами аниқ, пишиқ-пухта бўлса, фаолиятимизда муваффақият тайин.

**Суҳбатдош:**
**Неъмат РАФИҚОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**ФАКТ ▸ Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди.**

